



ARTICLE INFO

Received: 26th March 2025

Accepted: 30th March 2025

Online: 31st March 2025

KEYWORDS

Joint-stock company,
finance, reporting,
investment, privatization,
owner.

THE IMPORTANCE OF FINANCIAL REPORTING TRANSFORMATION IN ATTRACTING INVESTMENTS TO JOINT-STOCK COMPANIES

Fatima Turgunova

Master's student, Tashkent International University of Chemistry

Akmal Valijanov

Center for Research on Privatization and State Assets Management

e-mail: research@davaktiv.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15131818>

ABSTRACT

The article highlights the importance of financial reporting transformation in attracting investments to joint-stock companies. The work defines the tasks that need to be addressed today in joint-stock companies. The advantages of transforming existing financial statements in joint-stock companies into international standards are presented. The article develops proposals for accelerating the transition of joint-stock companies to International Financial Reporting Standards (IFRS).

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Фотима Тургунова

Тошкент кимё халқаро университети магистранти

Акмал Валижонов

Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш
маркази. e-mail: research@davaktiv.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15131818>

ARTICLE INFO

Received: 26th March 2025

Accepted: 30th March 2025

Online: 31st March 2025

KEYWORDS

Акциядорлик жамияти,
молия, ҳисобот,
инвестиция,
хусусийлаштириш,
мулкдор.

ABSTRACT

мақолада акциядорлик жамиятларига инвестицияларни жалб қилишда молиявий ҳисоботни трансформация қилишнинг аҳамияти ёртилган. Ишда бугунги кунда акциядорлик жамиятларида ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар аниқланган. Акциядорлик жамиятларидаги мавжуд молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга трансформация қилишнинг афзалликлари келтирилган. Мақолада акциядорлик жамиятларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲҲС) ўтказиш ишларини жадаллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Кириш

Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларини шакллантириш давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнлари билан бир вақтда асосан давлат



ташаббуси билан бошланган. Шунинг учун бугунги кунда бир қатор акциядорлик жамиятларида давлат иштироки сақланиб қолмоқда.

Акциядорлик жамиятларининг ривожланиши жамиятда акциядор шаклидаги мулкдорларни кўпайтиришга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида қуйидагилар таъкидлаб ўтилган: "...Бугун кўнглимдаги бир ниятимни сизларга очиқ айтмоқчиман. Менинг катта ниятим – юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин..." [1].

Адабиётлар таҳлили ва методлар

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини турли мамлакатларда жорий этиш масалалари ва улар билан боғлиқ муаммолар хорижий олимлардан Лаили Н. Х. [2], Сучер П. [3], Тайлор Д. W. [4], Тсалавоутас И., Эванс Л. [5], Димитриева И.М. [6], ушбу соҳада илмий изланишлар мамлакатимиз тадқиқотчиларидан Ахмеджанов К.Б. [7], Бобобеков Б. К. [8], Ташназаров С.Н [9], ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Тадқиқот методлари илмий абстракциялаш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил, таркибий таҳлилдан иборат.

Натижа ва муҳокамалар

Мустақиллик йилларида давлат корхоналарини хусусийлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга иқтисодийнинг етакчи тармоқларидаги йирик акциядорлик жамиятларида давлат улуши юқори даражада сақланиб қолмоқда. Ушбу йирик акциядорлик жамиятларида давлат иштирокини қисқартириш хусусийлаштиришнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Аҳолининг кенг қатламларини хусусийлаштиришга жалб қилишнинг усулларида бири бу давлатга тегишли акцияларни IPO (Initial Public Offering) ўтказиш орқали хусусийлаштириш ҳисобланади.

“Ўзбекистон — 2030» Стратегиясининг 49-бандида **40 та давлат иштирокидаги корхоналар** акцияларини «Халқ IPO»сига чиқариш, аҳолини IPOда қатнашишини рағбатлантириш механизмларини жорий қилиш назарда тутилган. Демак, 2030 йилга қадар 40 та давлат иштирокидаги корхоналарда «Халқ IPO»сини ўтказиш керак.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятига молиявий мабағларни фонд бозори орқали жалб қилишнинг икки усули мавжуд бўлиб, булар қўшимча акциялар чиқариш ва жойлаштириш ҳамда корпоратив облигацияларни муомалага чиқаришдан иборат. Аҳоли орасида акциядорлар шаклидаги мулкдорларни кўпайтириш мақсадида давлат улуши мавжуд бўлмаган акциядорлик жамиятларида ҳам IPO ўтказилишини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш лозим.

Хўжалик жамиятларига молиявий мабағларни нафақат ички бозордан, балки халқаро фонд бозорларидан ҳам жалб қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-163-сон қарорига мувофиқ халқаро фонд бозорида акцияларининг бирламчи (IPO) ва (ёки)



иккиламчи (SPO) оммавий таклифи ўтказиладиган давлат иштирокидаги йирик корхоналар рўйхати тасдиқланган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни самарали ҳал этиш учун акциядорлик жамиятларидаги молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформация қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) операциялар ва бошқа ҳисоб ҳодисалари молиявий ҳисоботда қандай акс эттирилиши кераклигини белгилайдиган бухгалтерия ҳисоби қоидалари тўпламидан иборат. Улар молия оламида ишонч ва шаффофликни сақлаш учун мўлжалланган бўлиб, инвесторлар ва ишбилармонларга оқилона молиявий қарорлар қабул қилиш имконини беради. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг роли ташкилотнинг молиявий ҳолати ва фаолиятининг молиявий натижалари тўғрисида иложи борида ишончли маълумотларни шакллантиришдан иборат.

Акциядорлик жамиятларида МҲХСни жорий этиш уларга инвестицияларни жалб қилишда қуйидаги имкониятларни беради:

молиявий ҳисоботни ва кўрсаткичларни инвесторларга, жумладан хорижий мамлакатлар сармоядорларига тушунарли бўлишини таъминлайди;

МҲХС - бу халқаро миқёсда тан олинган тавсиялар бўлиб, улар битимларнинг шаффофлигини оширади, тадбиркорларга фаолият юритаётган давлатдан қатъи назар, ягона ҳисоб тамойиллари ва усулларидан фойдаланиш имконини беради;

МҲХСни қўллаш маълумотларнинг тегишли соҳадаги бошқа халқаро корхоналар маълумотлари билан таққосланишини яхшилайдди;

МҲХС инвесторларга иложи борида пухта ўйланган иқтисодий қарорлар қабул қилишга ёрдам беради;

инвесторларнинг қарор қабул қилиш қобилияти билан бир қаторда, МҲХСдан фойдаланиш халқаро инвесторларнинг маълум бир мамлакатга инвестиция киритишга бўлган қизиқишини оширади, хорижий капитал оқимини кучайтиради;

МҲХСдан фойдаланиш турли ҳисоботларни тайёрлаш харажатлари ва вақтини қисқартиради, чунки барча ҳисоботлар ягона тамойиллар бўйича тузилади.

Молиявий ҳисобот трансформацияси бу – ҳисобот санаси ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича тузилган ҳисоб компоненти моддаларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидаларига мувофиқ қайта гуруҳлаштириш, уларнинг моддаларини қайта тан олиш, қайта баҳолаш, тузатишлар киритиш ва қайта очиқлаш асосида МҲХСлар ҳисоботлари ахборотларининг янги тизимига ағдариш ва қайта ташкил қилиш жараёнидир.

Молиявий ҳисоботларни МҲХСга трансформация қилиш мураккаб жараён бўлиб, ўзида бир қанча босқичларни муваффақият этиди.

Ўзбекистонда қабул қилинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнлари асосан хўжалик юритувчи субъектлар МҲХС бўйича қуйидаги ҳисоботларни шакллантириши керак:

молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;

фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;

хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;



пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
изоҳлар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари ўртасида кескин фарқлар йўқ. МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот бухгалтерия балансига яқинроқ бўлса, фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот эса молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга мосроқ келади. Шу билан бирга ушбу ҳисоботларни шакллантириш услубларида фарқлар мавжуд.

Хулоса ва таклифлар

Акциядорлик жамиятларини МҲХСга ўтказиш ишларини жадаллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва МҲХС ўртасидаги асосий фарқларни аниқлаш;

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга мослаштириш ишларини давом эттириш;

хўжалик юритувчи субъектларни МҲХСга ўтишини рағбатлантириш механизмларини ривожлантириш;

молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар бўйича сифатли тузилишини назорат қилиш тизимларини такомиллаштириш;

бухгалтер касбининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаш;

молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар бўйича шакллантиришни рақамлаштириш.

Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) жорий этиш мамлакат бухгалтерия ва молия амалиёти ривожига муҳим босқич ҳисобланади. Мазкур жараён Ўзбекистон учун бухгалтерия ҳисоботлари сифатини яхшилаш, инвестицияларни жалб қилиш ва корпоратив бошқарувни мустаҳкамлаш истиқболларини очади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.
2. Laili N. H. IFRS Adoption and Organisational Change — Evidence from Malaysia // Journal of law and financial management. 2008. Vol. 7. № 2. Pp. 8—17.
3. Sucher P., Jindrichovska I. Implementing IFRS: A Case Study of the Czech Republic // Accounting in Europe. 2004. Vol. 1. № 1. Pp. 109—136.
4. Taylor D. W. Costs-benefits of adoption of IFRSs in countries with different harmonization histories // Asian Review of Accounting. 2009. Vol. 17. № 1. Pp. 40-55.
5. Tsalavoutas I., Evans L. Transition to IFRS in Greece: financial statement effects and auditor size // Managerial Auditing Journal. 2010. Vol. 25. № 8. Pp. 814-829.
6. Dmitrieva I.M. Perspektivy vnedreniya mejdunarodnykh standartov finansovoy otchetnosti v natsionalnye uchetyne sistemy. Mir novoy ekonomiki. 2016;10(3):62-65.



7. Axmedjanov K.B. Axmadjonov A.K. Elektr energetika tarmog'idagi korxonalarda MHXS asosida moliyaviy hisobotlarni tuzish masalalari// "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2021 yil.
8. Bobobekov B.K. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari talablari asosida tovar moddiy zaxiralarning hisobini tashkil etish metodologiyasi// Iqtisodiyot va ta'lim / 2022,1-son.
9. Tashnazarov S.N. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari va ularga utish zaruriyati// Iqtisod va moliya /2016, 7-son.